

ФАРҒОНА ВОДИЙСИДА ҚАДАМЖОЛАР ВА ЗИЁРАТГОҲЛАРНИНГ ДИНИЙ ТУРИЗМНИ РИВОЖЛАНТИРИШДАГИ ЁРНИ

Юсуфжон Исмоилович Аҳмадалиев

Фарғона давлат университети география кафедраси профессори, г.ф.д.

Наргизахон Ёриновна Комилова

Фарғона давлат университети география кафедраси доценти, г.ф.ф. д

Аннотация: Ушбу мақола Фарғона водийси минтақасида жойлашган қадамжолар ва зиёратгоҳларни туристик имкониятлари ўрганилган. Водийда диний туризмни янада ривожлантириш жараёнида ҳудуднинг диний туристик ресурсларини баҳолаш, уларни бирлаштирувчи махсус маршрутларини ишлаб чиқиш ва жойларда диний туризмнинг шаклланишининг тарихий-географик жиҳатлари таҳлил этилган.

Калит сўзлар: туризм, саёҳ, зиёратгоҳ, қадамжо, туристик –рекреацион зона, диний туризм, сакрал география.

КИРИШ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисидаги Фармонининг 35- мақсадида Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қилинг! дастури доирасида маҳаллий сайёҳлар сонини 12 миллион нафардан ошириш вазифаси кўйилган [1]. Бундан ташқари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 9 февралдаги “Ўзбекистон Республикасида ички ва зиёрат туризмни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6165-сон Фармони, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 15 февралдаги 120-сон “Муқаддас қадамжолар, зиёратгоҳлар, масжидлар ва қабристонларни ободонлаштириш ишларини самарали ташкил этиш тўғрисида”ги Қарори да ҳам мазкур соҳани ривожлантиришни географик жиҳатларини ўрганиш вазифа қилиб кўйилган [2].

АДАБИЁТЛАР ТАХЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯСИ

Туризмнинг, жумладан диний ва зиёрат туризмнинг географик жиҳатлари мамлакатимизда илк бор ягона тадқиқот объекти сифатида Қ.Т.Тўраев томонидан ўрганилди[3]. Унинг тахлили бўйича МДХ мамлакатлари олимлари Г.Н.Гужина, Т.Т.Христов, С.Р.Ердавлетов, К.А.Мазин, Т.В.Бойка, П.В.Пятнов, Т.Л.Дудник, Л.Б.Савенкова, А.Г.Низамиевларнинг илмий ишларида ушбу соҳа ўрганилган.

Ўзбекистонда диний туристик объектлар, хусусан муқаддас қадамжо ва зиёратгоҳларни ўрганишда тарихчи ва иқтисодчи олимларнинг хизматлари

катта. Хусусан, Ўзбекистоннинг турли ҳудудларидаги зиёратгоҳларнинг тарихий тавсифига оид тадқиқотларни А.Қ.Мўминов, Н.Абдулахатов, С.Джураева, А.А.Аширов, З.Абидова, Ф.Ш.Ақчаев, А.Худаёров каби тарихчи ва этнограф мутахассислар бажарган. Шу билан бирга, республикада диний туризмни ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий жиҳатлари М.Р.Болтабоев, М.Қ.Пардаев, И.С.Тухлиев, Ғ.Ҳ.Қудратов, Н.Тухлиев, Б.Н.Наврўз-Зода, Т.Абдуллаева, М.М.Муҳамедов, Д.К.Усмонова, М.Ҳошимов, А.Норчаев, Б.Х.Тўраев, Б.Ш.Сафаров, М.Т.Алиева, Ш.Р.Файзиева каби иқтисодчиларнинг илмий ишларида ёритилган.

Мамлакатимизда туризм ва рекреация географиясига оид тадқиқотлар, А.С.Солиев, З.Махаматиллаев, А.Зокиров, М.Ҳошимов, А.Юсупов, Р.Усмонова, И.Хасанов, М.Усмонов, А.Нигматов, А.Низомов, Н.Шамуратова, Б.Камолов, Ш.Яқубжонова, Ш.Шомуродова, М.Маҳмудов ва бошқа географлар томонидан олиб борилган ва амалга оширилмоқда [5, 15, 18, 19, 20].

Диний туристик объектлар, хусусан зиёратгоҳларнинг жойлашуви, минтақаларда зиёрат туризмини ривожлантириш имкониятларини баҳолашга оид масалалар Ю.И.Аҳмадалиев, Ғ.Р.Пардаев, С.И.Абдуллаев, А.Низомов, Ш.Шомуродова, М.Маҳмудовларнинг илмий ишларида ўз аксини топган.

Туризм (французча сайр, саёҳат), сайёҳлик — саёҳат (сафар) қилиш, дам олиш деган маънони билдиради. Туризм деганда жисмоний шахснинг доимий истиқомат жойидан соғломлаштириш, маърифий, касбий амалий ёки бошқа мақсадларда борилган жойда (мамлакатда) ҳақ тўланадиган фаолият билан шуғулланмаган ҳолда узоғи билан 1 йил муддатга жўнаб кетиши (саёҳат қилиши) тушунилади. Замонавий туризм тарихи XIX аср бошларига бориб тақалади. Дастлаб Англиядан Францияга уюшган сайёҳлик ташкил этилган (1815). Туризмнинг асосчиси ҳисобланган инглиз руҳонийси Томас Кук 1843- йилда 1-темир йўл сайёҳлигини ташкил қилди. Шундан сўнг у ўзининг хусусий туристик корхонасини тузди ва 1866-йилда дастлабки сайёҳлик гуруҳларини АКШга жўнатган [3, 5, 6, 18].

Диний туризмни ажратишнинг бош мезони унинг объекти бўлса, зиёрат туризмнинг бош белгиси унинг мақсадидан иборатдир. Мақсадига қараб, диний туризмнинг зиёрат, диний-экскурсион ва диний илмий-тадқиқот туризми каби турларига ажратилади. Жаҳондаги диний туристик объектлар моҳияти бўйича икки, яъни ижтимоий-маданий ҳамда ижтимоий-табiiй синфга ажратилди. Бу икки синф диний культ объектлари, дафн жойлар, диний илм ва таълим марказлари, геологик ва геоморфологик, гидрологик, биологик объектлар каби 6 та гуруҳ, улар эса бош диний марказлар,

ибодатхоналар, монастырлар, макбара ва макбара мажмуалари, қабристонлар ва қабрлар, диний илм марказлари, диний таълим марказлари, муқаддас тоғлар, ғорлар, тошлар, дарёлар, кўллар, булоқлар, дарахтлар каби 14 та турга ажратилди[3]. Конфессионал география дин ва диний оқимларнинг ҳудудий тарқалиши, унинг шаклланиши ва динамикаси, диний марказ ва ўчоқлар жойлашуви, уларнинг таъсир доираси, ҳудудлар аҳолисининг конфессионал таркиби ва унинг динамикаси, диний конфессиялараро муносабатларининг ҳудудий жиҳатларини ўрганувчи фандир. Сакрал география эса турли этник ва конфессионал гуруҳларда муқаддас деб танилган жойларни алоҳида эътиборга лойиқ маданий географик объект ва тизимлар тарикасида ўрганади. Диний туризмни ижтимоий географик жиҳатдан комплекс ўрганиш жараёнида конфессионал ва сакрал географиядаги билимлардан маълум даражада фойдаланилади. Лекин ҳудудларнинг диний ва зиёрат туризми нуқтаи назардан салоҳиятини баҳолаш, ундан оқилона фойдаланиш йўллари асослаш, махсус туристик маршрутларни шакллантириш, улар доирасида зарур инфратузилма комплексларини барпо этишни асослаш, талаб ва таклиф вазиятини ўрганиш ва бошқа илмий-амалий масалаларни ечиш учун туризм географиясининг методология ва методикаси зарурдир. Демак, диний ва зиёрат туризмни ижтимоий географик жиҳатдан тадқиқ қилиш туризм географияси доирасида амалга оширилади.

НАТИЖА ВА МУҲОКАМАЛАР

Ўзбекистондаги диний туристик объектлар, уларнинг ҳудудий таркиби ва классификацияси, республикада минтақавий зиёрат туристик йўналишларни шакллантиришнинг ижтимоий-географик асослари ҳамда диний туризмнинг кичик ҳудудлар иқтисодиётида тутган ўрни ва аҳамияти ўрганилган. Ўзбекистон Республикаси Туризм ва маданий мерос вазирлигининг 2022 йил 1-июл ҳолатига берилган маълумотларига кўра, республикада 1171 та зиёрат объекти мавжуд бўлиб, энг кўп зиёратгоҳлар Фарғона (400 та) ва Зарафшон (279 та) иқтисодий районларида жойлашган бўлиб, бу борада, айниқса, Фарғона (182 та) ва Самарқанд (149 та) вилоятлари алоҳида ажралиб туради.

Бу зиёратгоҳлар ва қадамжолар Фарғона водийсида IX-X асрлардан бошлаб шакллана бошлаган. Натижада водийдаги дарёлар тизимида ҳавзани бутунлай қоплаб олувчи муқаддас қадамжолар вужудга келган. Р.Я.Рассудова [1985] бундай қадамжоларни даражасига кўра 3 та гуруҳга ажратади [9]. Биринчи гуруҳга водийдаги бутун аҳоли сиғинадиган 7 та қадамжони киритади. Улар Ўш, Жалолобод, Аравон, Кампировот, Қадамжо, Шохимардон, Йигитпирим аҳоли масканларида жойлашгандир. Бу қадамжолар Окбўйра, Қорадарё, Аравон, Шохимардонсой дарёлари

хавзаларида жойлашган. Иккинчи гуруҳга конуссимон ёйилмаларнинг юқори қисмида, суғориш каналларининг бошланиш жойларида жойлашган қишлоқлардаги қадамжолар киритилиб, улар кўпроқ Хўжа, Тўра, Саид каби диний уламолар номи билан боғлиқ. Уларга Водилдаги Чинор ота, Хожи ота, Мозортаги, Сарикўрғондаги Нурсуҳ ва Риштон каналлари бошланадиган жойлаги Ғовсил Аъзам мозори каби қадамжолар киритилиб, бу улуғ зотлар Шоҳимардон ва Сўх сувининг «эгалари» деб эътироф этилган. Учинчи гуруҳга эса суғориш каналларининг этакларидаги, чашма ва булоқлар ёрдамида суғориладиган (хоқоб усулида) ҳудудлардаги қадамжолар Хонқиз, Чимён, Арсиф, Файзиобод, Ёрмазор, Саткак киритилган [9].

Таклиф этилаётган «районлаштириш»ни ажратишда асосий тамойил сифатида табиатга энг кўп таъсир кўрсатувчи омил суғориш тизими олинди. Бундай ёндашувда жамоанинг сиғинадиган ҳудудий мажмуаси таркиби дарё ирмоқлари ва каналлар бўйича ўтказилди. Бунда водийдаги 4 та этноландшафт минтақанинг деярли ҳар бирида дарё хавзаси бўйича юқоридан қуйига қараб тушилса, алоҳида этноэкологик район ва шунга мос келувчи «муқаддас қадамжолар»лар шаклланиши кузатилади. Ҳар бир районнинг экологик-туристик функциясини янада аниқроқ тасаввур қилиш учун Шоҳимардонсой ҳудудидаги муқаддас зиёратгоҳлар ва қадамжолар ўрганиб чиқилди.

Мазкур ҳудудни таҳлил қилиш орқали районга ҳос бўлган қуйидаги умумий ва хусусий белгиларни ажратиш мумкин. Биринчидан, район ҳосил қилувчи омил сифатида дарё хавзаси ва суғориш тармоқлари олинган. Бу хавзанинг шаклланиши ва ягона районга бирлаштирилиши ҳудуднинг суғориб деҳқончилик қилиш тармоғига тортилиши билан бевосита боғлиқ эканлигини таъкидлаш зарур. Иккинчидан, мазкур районнинг алоҳида ажралиб турувчи чегаралари мавжудлиги кузатилади. Яъни, район шарқда Исфайрам, ғарбда Сўх хавзалари билан жанубда эса водийнинг Ўратепа воҳаси билан ажратиб турувчи сувайирғич билан, шимолда эса конуссимон ёйилманинг этаклари билан чегараланади. Учинчидан, районнинг ички таркибий тузилиши ҳам ўзига хос бўлиб, дастлабки район дарёнинг тўйиниш ҳудудини, кейинги районлар эса дарёнинг ирмоқлари ва чиқарилган йирик каналлар орқали ўтказилади. Тўртинчидан, ҳар бир район ўзининг алоҳида марказига ва муқаддас масканига эгаллиги билан ажралиб туради. Шу билан бир қаторда, бутун хавза учун умумий марказ ролини ўйновчи энг йирик муқаддас марказ ва шаҳар ҳам ажратилади. Мазкур тамойиллар асосида Шоҳимардонсой хавзасида 4 та район Шоҳимардон, Водил, Марғилон ва Ёзёвон райони ажратилди.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, бундай районлаштириш Фарғона водийсидаги барча йирик дарёлар учун хос бўлиб, уларда ҳам, бу районлар қуйида келтириладиган экологик вазифаларни бажариб келган.

Биринчи Шохимардон райони экологик жихатдан муҳим функцияни бажариб, дарё суви режими миқдорини тартибга солиб турган. Дарёларнинг сув йиғадиган ҳавзаларини имкон борича ўзлаштирмасликка, ундаги табиат неъматларини асраб-авайлашга, ўзига хос «кўриқхона»лар яратишга киришилган. Ҳар бир дарёга ягона табиий тизим сифатида қаралиб, унинг бошланишидан қуйилиш жойигача бўлган ҳудудларда ягона ижтимоий-иқтисодий тизим яратилган. Дарёларнинг юқори қисми «муқаддас зиёратгоҳлар» сифатида ҳимояга олинган. У ҳудудларда ерни ҳайдаш, дарахтни кесиш, ҳайвонот дунёсини нобуд қилиш қаттиқ қораланган ва тақиқланган.

Ўрганилаётган минтақада деҳқончилик кам ривожланган, асосан тоғ боғдорчилиги, чорвачилик ва зиёратчиларга (*хозирги тушунча бўйича туристларга*) хизмат кўрсатиш тизими ривожланган. Аҳолининг анчагина қисми дарёнинг қуйи қисмидаги деҳқончилик билан шуғулланувчилар томонидан олиб келинган хайр-эҳсон, назр-ниёз ҳисобига яшаган ва табиатга ортиқча аралаштиришга эҳтиёж сезмаган.

ХУЛОСА

Фарғона водийсидаги муқаддас зиёратгоҳлар ва қадамжолар «кичик биосфера кўриқхона»ларини эслатади Бундай зиёратгоҳларда сувнинг мусаффолиги, турли рельеф шакллари (қоя, тош, ғорларни) ҳамда ўсимлик ва ҳайвонот дунёси вакиллари табиий ҳолда сақланиб келаётганлиги диний экологик маданиятнинг бу ҳудудлардаги таъсири намунасидир. Жамиятимиз вакиллари табиий зиёрат маданиятини, диний обод-ахлоқ қоидаларига оғишмай амал қилишлари экологик хавф хатарни олдини олиш билан бирга бу жойларда диний туризмни ривожлантиришнинг муҳим омили сифатида сифатида қаралмоғи лозим

REFERENCES:

1. 2022-2026- йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони . 2022-й. 28-январ ПФ -60.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018-2019- йилларда туризм соҳасини ривожлантириш бўйича биринчи навбатдаги чора тадбирлар тўғрисида ПҚ 3217 сонли қарори. 17.08.2017.
3. Тўраев Қ.Т. Ўзбекистонда диний туризмнинг ривожлантиришнинг

ижтимоий-географик асослари. // Геог. фан. бўй. фал. докт. дисс. автореф. – Самарқанд, 2023. -46 б.

4. Ахмадалиев Ю. И. НЕОБХОДИМОСТЬ ПРОБЛЕМНОГО ПОДХОДА К ИССЛЕДОВАНИЮ ЗЕМЕЛЬНЫХ РЕСУРСОВ РЕГИОНА //Актуальные вопросы современной науки. – 2015. – №. 3. – С. 24-28.

5. Ахмадалиев Ю. И. Этноэкологическая культура населения Ферганской долины в конце XIX и начале XX века //Социально-экономическая география. Вестник Ассоциации российских географов-обществоведов. – 2015. – №. 4. – С. 181-187.

6. АХМАДАЛИЕВ Ю. И., КОМИЛОВА Н. Ў. ЭТНОЭКОЛОГИК МАДАНИЯТНИНГ ҲУДУДИЙ ЖИҲАТЛАРИ. – 2020.

7. Ахмадалиев Ю. И., Алимджанов Н. Н. ЭКОЛОГИЧЕСКИЕ АСПЕКТЫ ТРАДИЦИОННОГО ВОДОПОЛЬЗОВАНИЯ В ФЕРГАНСКОЙ ДОЛИНЕ //География: развитие науки и образования. – 2020. – С. 375-380.

8.Наргиза Уриновна Комилова. [Влияние этноэкологических культур на экосистему Ферганской долины](https://cyberleninka.ru/article/n/vliyanie-etnoekologicheskikh-kultur-na-ekosistemu-ferganskoy-doliny). Вестник науки и образования 2 (12 (36)), 73-75, <https://cyberleninka.ru/article/n/vliyanie-etnoekologicheskikh-kultur-na-ekosistemu-ferganskoy-doliny>

9.Nargiza Urinovna Komilova. [Territorial features of the organization of settlements](https://cyberleninka.ru/article/n/territorial-features-of-the-organization-of-settlements). 3/6. 809-813. 2022. <https://cyberleninka.ru/article/n/territorial-features-of-the-organization-of-settlements>

10.NU Komilova. [Ethnogeographic aspects of social environmental problems](https://cyberleninka.ru/article/n/ethnogeographic-aspects-of-social-environmental-problems). 3/6. 12-18. 2022. <https://cyberleninka.ru/article/n/ethnogeographic-aspects-of-social-environmental-problems>

11.Komilova Nargiza Urinovna. [Gradual study of geographic featuresof ethno-ecological culture](https://cyberleninka.ru/article/n/gradual-study-of-geographic-featuresof-ethno-ecological-culture). European science review, 82-84. <https://cyberleninka.ru/article/n/gradual-study-of-geographic-featuresof-ethno-ecological-culture>

12.Komilova Nargizahon Urinovna. [Geographical roots and basic concepts of ethnoecology](https://www.indianjournals.com/ijor.aspx?target=ijor:aca&volume=11&issue=4&article=295). ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal 11 (4), 1748-1750.

<https://www.indianjournals.com/ijor.aspx?target=ijor:aca&volume=11&issue=4&article=295>

13.Komilova Nargizahon Urinovna. [Geographical roots and basic concepts of ethnoecology](https://www.indianjournals.com/ijor.aspx?target=ijor:aca&volume=11&issue=4&article=295). ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal 11 (4), 1748-1750.

<https://www.indianjournals.com/ijor.aspx?target=ijor:aca&volume=11&issue=4&article=295>